

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ МИНТАҚА ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ЎРНИ

*Фарҳод Бўронов -
Демократик жараёнларни таҳлил
қилиш маркази директор ўринбосари,
юримдик фанлар номзоди, доцент.*

Минтақавий интеграциянинг “қуйидан юқорига” йўналишидаги назарий-методологик асослари

Марказий Осиёда минтақавий интеграция ҳозирги геосиёсий воқелик шароитида фақат давлатлараро форматлар доирасидан чиқиб, мураккаб, кўп векторли жараён сифатида намоён бўлмоқда. “Глобал беқарорлик шароитида минтақа тобора ягона, рақобатбардош ва халқаро муносабатларда стратегик аҳамиятга эга субъект сифатида ўзини намоён этмоқда. Тарихан мазкур минтақа Шарқ ва Ғарб ўртасида кўприк вазифасини бажариб, улкан энергетик, маданий-цивилизацион ҳамда инсоний салоҳиятни ўзида мужассам этган” [1].

2010 йиллар ўрталарида асос солинган ишончли мустаҳкамлаш ва прагматик ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган йўналиш давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини чуқур институционаллашувига олиб келди [2]. 2025 йил 16 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган еттинчи Маслаҳат учрашуви тарихий саммит сифатида минтақа тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди. Иштирокчи давлат раҳбарларининг Озарбайжон Республикасини мазкур форматга тўлақонли аъзо сифатида қўшиш тўғрисидаги яқдил қарори ушбу тузилмани Марказий Осиё ва Жанубий Кавказни бирлаштирувчи мутлақо янги геосиёсий архитектурага айлантирди.

Мазкур шароитда интеграция жараёнларининг узоқ муддатли барқарорлиги фақат сиёсий декларациялар билангина эмас, балки жамиятлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланиши билан ҳам белгиланади. Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), жамоатчилик ҳаракатлари, эксперт-таҳлилий марказлар ҳамда ёшлар уюшмалари “қуйидан юқорига” тамойили асосида кечадиган интеграция жараёнларининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Улар давлатлараро ташаббусларни жамият ҳаётига татбиқ этиш орқали интеграцион стратегияларни аҳолининг амалий эҳтиёжларига мослаштиришга хизмат қилади [3].

Экологик дипломатия ва иқлим масалалари бўйича чегаралараро ҳамкорлик

Экологик масалалар Марказий Осиёда фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги учун анъанавий равишда энг кам сиёсийлашган ва томонларни бирлаштирувчи муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу соҳадаги ҳамкорлик 2003 йилдан бошланган бўлиб, ўша йили минтақа давлатлари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда чўлланишга қарши кураш бўйича субминтақавий ҳаракатлар режасини қабул қилди. Мазкур ҳужжат чегаралараро сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда ер ресурсларини барқарор бошқариш бўйича ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратди. “Ушбу йўналишда Марказий Осиё минтақавий экологик маркази (РЭЦЦА) йигирма йилдан ортиқ вақт давомида ҳукуматлар, халқаро тараққиёт институтлари ва нодавлат сектор саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб келаётган муҳим институт ҳисобланади” [4].

Фуқаролик жамиятининг экологик соҳадаги фаол иштироки минтақа мамлакатларининг глобал иқлим масалалари бўйича муштарак позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси доирасида ўтказиладиган халқаро конференциялар арафасида Марказий Осиёнинг беш давлати вазирликлари ҳамда нодавлат ташкилотлари “5 мамлакат – 1 минтақа – 1 овоз” тамойили асосида мунтазам кўшма тайёргарлик учрашувларини ўтказиб келмоқда [5].

Мазкур ҳамкорликни мустаҳкамлашда давлат ва фуқаролик жамияти соҳасида фаолият юритувчи ёш экологлар ва мутахассисларни тайёрлашга қаратилган Олмаотадаги Марказий Осиё лидерлик дастурининг ривожлантирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди [6].

Экологик ташаббусларнинг интеграцияси, шунингдек, Глобал экологик жамғарма (GEF) томонидан молиялаштириладиган ҳамда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) миллий экологик идоралар билан ҳамкорликда амалга ошираётган давлатлараро экологик лойиҳалар орқали ҳам қўллаб-қувватланмоқда [7]. Жумладан, 2025 йил охирида ишга туширилган сув ва ер ресурсларининг ўзаро боғлиқлигини самарали бошқаришга қаратилган дастур сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни такомиллаштиришга хизмат қилувчи учта минтақавий ва тўртта миллий лойиҳани ўз ичига олади. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ҳаво сифати устидан мониторинг олиб боришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ёшлар экологик гуруҳи (YGPE) иштирокида фаолият кўрсатаётган AQCA (Air Quality Central Asia) ва COMPASS каби халқаро эксперт тармоқлари бу йўналишда муҳим аҳамият касб этмоқда [8].

Жадвал муаллиф томонидан [7; 9; 10; 11] манбалар асосида тузилган.

Ташаббус / лойиҳа номи	Асосий иштирокчилар ва ҳамкорлар	Интеграцион ҳамкорлик йўналиши
Сув ва ер ресурсларини комплекс бошқариш дастури (2025) [7]	FAO, GEF ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг миллий экологик бошқарув идоралари [7]	Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, давлатлараро маълумот алмашинуви тизимини такомиллаштириш [9]
Ўзбекистонда экотизим хизматларини қўллаб-қувватлаш [9]	FAO, GEF ҳамда Ўзбекистон Республикасининг экологик идоралари [7]	Ер ва сув ресурсларини комплекс бошқариш, биохилма-хилликни сақлаш [9]
Сирдарё ва Норин дарёлари хавзаларини бошқариш [9]	FAO, GEF ҳамда давлатлараро комиссиялар [7]	Эрта огоҳлантириш тизимларини такомиллаштириш, сув ресурсларини тақсимлаш бўйича ҳамкорликни кучайтириш [9]
Трансчегаравий шароитда кон чиқинди омборларини бошқариш [10]	БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (UNECE), Марказий Осиё мамлакатларининг тегишли идоралари ва нодавлат ташкилотлари, халқаро ҳамкорлар [10]	Техноген офатлар хавфини камайтириш, трансчегаравий объектлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш [10]
“БИОМ”, “Юксалиш” ва “Гендер ва тараққиёт” ташкилотларининг экологик мулоқот лойиҳаси [11]	Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг нодавлат ташкилотлари [11]	Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва бағрикенглик муҳитини кучайтириш [11]

Экологик тармоқлар геосиёсий ўзгаришлар шароитида иқлим хавфларини баҳолашга қаратилган эксперт гуруҳларини шакллантириш орқали ўзининг юқори мослашувчанлигини намоён этмоқда. Марказий Осиёда фуқаролик жамияти вакиллари бирлаштирган иқлим тармоғи доирасида ўтказиладиган учрашувлар курфоқчиликка мослашиш бўйича умумий тавсияларни ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати минтақанинг етакчи эколог мутахассислари иштирокида ўтказилган сўров натижалари асосида ҳаво сифатини яхшилашга қаратилган ўнта устувор чоратадбирни ишлаб чиққан.

Ижтимоий интеграция: гендер тенгликни таъминлаш ва чегаралараро мулоқотни ривожлантириш

Ижтимоий соҳа фуқаролик жамиятининг барқарор давлатлараро ҳамкорлик алоқаларини шакллантириш имкониятлари яққол намоён бўладиган муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади [12]. Хусусан, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва БМТнинг Spotlight ташаббуси кўмагида Олмаотада Марказий Осиёда гендер зўравонликка барҳам бериш бўйича альянснинг ташкил этилгани бу борадаги муҳим қадам бўлди [13]. Мазкур тузилма минтақадаги беш давлатдан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи элликдан ортиқ ташкилот, жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш марказлари ҳамда норасмий тармоқларни бирлаштирди.

Альянс инклюзивлик, трансформацион ёндашув ва ўзгарувчан шароитларга мослашувчан етакчилик тамойиллари асосида фаолият юритади. Бу эса фақат фуқаролик жамияти вакилларининг эмас, балки давлат муассасалари, академик доиралар ҳамда ёшлар ҳаракатлари вакилларининг ҳам фаол иштирокини назарда тутди. Альянс тузилмасининг муҳим хусусиятларидан бири – унинг аъзоларининг камида 30 фоизини ёшлар ташкил этиши ҳақидаги талабдир [14]. Мазкур платформа фаолияти минтақа мамлакатлари қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда давлат органларига кўмаклашиш, бюджет сиёсатида гендер омилларини ҳисобга олиш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш бўйича ягона ёндашувларни шакллантиришга қаратилган.

Шу билан бир қаторда, чегара ҳудудларида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган маҳаллий ташаббуслар ҳам изчил ривожланмоқда. Хусусан, Тожикистоннинг “Гендер ва тараққиёт”, Қирғизистоннинг “ВІОМ” экологик ҳаракати ҳамда Ўзбекистоннинг “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати иштирокида амалга оширилган кўп томонлама лойиҳа доирасида Дўстлик ва миллатлараро тотувлик марказлари ташкил этилди. Мазкур тузилмалар махсус онлайн платформалар орқали мувофиқлаштириладиган қўшма маданий ва таълим дастурлари воситасида Фарғона водийсидаги можароли ҳолатлар эҳтимолини камайтиришга хизмат қилмоқда [11].

Эксперт доиралари ҳамкорлиги: “С6” формати ва стратегик мулоқотнинг янги йўналишлари

Глобал геосиёсий муҳитдаги ўзгаришлар интеграция жараёнларини чуқур таҳлилий ва экспертлик жиҳатидан қўллаб-қувватлаш заруратини кучайтирмоқда [15]. Шу боис минтақадаги таҳлил марказлари ўзаро ҳамкорликни кенгайтириб, қўшма тадқиқот ташаббусларини шакллантиришга

интилмоқда [16]. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Марказий Осиё тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалий таҳлилий тадқиқотлар олиб бораётган Америка Марказий Осиё университети ҳузуридаги Тянь-Шань таҳлил маркази ҳамда Қозоғистондаги SEGREG маркази фаолиятини келтириш мумкин [17].

Минтақада таҳлилий-эксперт ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилиши минтақавий маслаҳат учрашувлари форматининг кенгайиши ҳамда “Марказий Осиё – Озарбайжон” (“С6”) ҳамкорлик формати шаклланиши билан боғлиқ бўлди. Мазкур қадам Каспий ҳавзаси ва Марказий Осиёни қамраб олган ягона транскаспий геосиёсий макон шаклланаётганини кўрсатди [18].

“С6” формати доирасидаги илмий-таҳлилий ҳамкорликни таъминлаш мақсадида 2026 йил 18 февраль куни Боку шаҳрида Халқаро муносабатларни таҳлил қилиш маркази (ЦАМО) томонидан “С6: Ягона минтақа, умумий келажак сари – стратегик мулоқотни мустаҳкамлаш” мавзусида нуфузли халқаро конференция ўтказилди. Унда олти мамлакатдан 60 нафарга яқин етакчи таҳлилчи, жумладан, давлат ва мустақил тадқиқот муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди [19]. Эксперт муҳокамалари транспорт-логистика соҳасидаги интеграция, энергетик хавфсизлик ҳамда “Белбоғ ва йўл” ташаббуси доирасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш масалаларига бағишланди.

2-жадвал

Жадвал муаллиф томонидан [3; 16; 20; 21; 22] манбалар асосида тузилган.

Ташкилот / платформа	Минтақавий интеграциядаги ўрни	Ҳамкорлар ва халқаро алоқалар
SEGREG маркази (Қозоғистон) [16]	Глобал ва минтақавий бошқарув тизимларини ўрганиш, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш [16]	Марказий Осиё мамлакатларининг академик ва давлат тузилмалари [16]
“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати (Ўзбекистон) [3]	Амалий тадқиқотлар ўтказиш, ислоҳотлар мониторингини олиб бориш, нодавлат ташкилотларни қарор қабул қилиш жараёнларига жалб этиш [3]	КОИСА, халқаро ташкилотлар ва эксперт консорциумлари [3]
Ижтимоий адолат йўлидаги глобал шериклик (GSNP) [22]	Ижтимоий стандартлар ва адолатли ривожланиш тамойилларини тарғиб этиш [22]	Осиё, Лотин Америкаси ва Африка фуқаролик жамияти вакиллари [22]

<p>Халқаро муносабатларни таҳлил қилиш маркази (Озарбайжон) [20]</p>	<p>“С6” формати доирасида эксперт мулоқотини ташкил этиш, транскаспий ташаббусларни мувофиқлаштириш</p>	<p>Марказий Осиё мамлакатларининг таҳлил марказлари ҳамда ташқи ишлар вазирликларининг илмий-таҳлилий тузилмалари [21]</p>
---	---	--

Минтақанинг халқаро миқёсдаги таҳлилий-эксперт салоҳияти эътироф этилаётганининг муҳим белгиларидан бири “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси Бобур Бекмуродовнинг Осиё минтақаси вакили сифатида Ижтимоий адолат бўйича глобал шериклик (GSNP) бош котибининг ўринбосари этиб сайланганидир. Бу Марказий Осиёда шаклланган таҳлилий ва эксперт тажрибасини инсон ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий ривожланишга оид халқаро платформаларда кенгроқ намоён этиш имконини беради [22].

Норматив-ҳуқуқий базани институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш ва давлат-жамоатчилик ҳамкорлиги

Марказий Осиёда фуқаролик жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичи давлат институтлари билан ҳамкорликнинг янада такомиллашган ва тизимли шаклларига ўтиш жараёни билан тавсифланади. Минтақа мамлакатлари ҳукуматлари ижтимоий шерикликнинг барқарор, шаффоф ва самарали механизмларини шакллантириш мақсадида норматив-ҳуқуқий асосларни изчил такомиллаштириб бормоқда.

Қирғизистонда давлат ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқотнинг муҳим йўналишларидан бири нодавлат ташкилотлар, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари фаол иштироки асосида жамият бирдамлигини мустаҳкамлаш ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратилган “Қирғиз жараны” фуқаролик ўзига хослигини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш ҳисобланади [23]. Қозоғистонда Фуқаролик альянси экологик назорат ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳаларида миллий тараққиёт стратегияларини амалга оширишда давлатнинг муҳим ҳамкори сифатида иштирок этмоқда. Ўзбекистонда эса ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган давлат сиёсати тегишли вазирлик ва идоралар орқали изчил амалга оширилмоқда [24].

Норматив-ҳуқуқий асосларнинг такомиллашуви фуқаролик жамияти институтлари фаолияти барқарорлигини мустаҳкамлаб, уларни аниқ ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришишга йўналтирмоқда.

Жадвал муаллиф томонидан [11; 23] манбалар асосида тузилган.

Давлат	Норматив-ҳуқуқий ва дастурий асос	Интеграция ва ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналиши
Қозоғистон	“Давлат ёшлар сиёсати тўғрисида”ги қонун, Қозоғистон фуқаролик альянси	Фуқаролик фаоллигини ошириш, нодавлат ташкилотларни сув ресурслари ва атроф-муҳит мониторингига жалб қилиш
Қирғизистон	“Қирғиз жарани” фуқаролик бирлигини ривожлантириш концепцияси [23]	Ижтимоий бирдамликни кучайтириш, тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёшлар ҳамда ижодий соҳалар вакиллари фаол жалб этиш [23]
Ўзбекистон	Давлат ёшлар сиёсатига оид дастурлар ҳамда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ташаббуслари	Фуқаролик мулоқотини рақамли ривожлантириш, ислоҳотлар бўйича эксперт кузатувини йўлга қўйиш, коррупцияга қарши ҳуқуқий маданиятни юксалтириш
Тожикистон	Гендер тенгликни таъминлашга қаратилган миллий дастурлар ва давлатлараро ҳамкорлик ташаббусларида иштирок [11]	Чегара ҳудудларида ижтимоий барқарорликни таъминлаш, хотин-қизлар етакчилик салоҳиятини ривожлантириш [11]

Миллий қонунчиликнинг такомиллашуви фуқаролик жамияти институтларини изчил қўллаб-қувватлаш учун зарур шароит яратиб, ташқи бузғунчи таъсирлар хавфини камайтиради ҳамда нодавлат ташкилотлар ресурсларини долзарб ички ва минтақалараро вазифаларни ҳал этишга йўналтиради.

Халқаро ҳамкорлик ва ёшларга оид давлатлараро лойиҳалар

Марказий Осиёда фуқаролик жамиятининг ривожланишида конструктив халқаро ҳамкорлик, айниқса Европа Иттифоқи билан мулоқот муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур муносабатлар Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар асосида шаклланиб, Ҳамкорлик инструменти каби замонавий механизмлар орқали амалга оширилмоқда [25].

Европа Иттифоқи – Марказий Осиё фуқаролик форуми мазкур мулоқотнинг муҳим платформаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, 2026 йил 5–6 февраль кунлари Бишкек шаҳрида БМТнинг Лойихаларга хизмат кўрсатиш бошқармаси (UNOPS) ҳамда Дания инсон ҳуқуқлари институти ҳамкорлигида Европа Иттифоқи – Марказий Осиё 6-фуқаролик форуми ўтказилди. Форумда 200 нафардан ортиқ нуфузли иштирокчилар ва меҳмонлар қатнашиб, Global Gateway стратегиясининг устувор йўналишлари ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларини муҳокама қилиш учун муҳим мулоқот майдони яратилди. 2025 йил январь ойида Олмаотада ўтказилган Европа Иттифоқи – Марказий Осиё 5-фуқаролик форуми ҳам минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшган эди.

Марказий Осиёда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшлар сиёсати, креатив индустриялар ва барқарор туризм муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада Америка Марказий Осиё университети ҳузуридаги Тянь-Шань таҳлил маркази фаолияти эътиборга лойиқ. Марказ давлат идоралари билан ҳамкорликда туризм соҳасида барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш тамойилларини, шунингдек, айланма иқтисодиёт ёндашувларини жорий этишга кўмаклашмоқда. Бу эса ёшлар ўртасида экологик йўналишдаги тадбиркорлик ривожига хизмат қилмоқда [17].

Хулоса:

фуқаролик жамиятининг минтақавий ривожланиш сценарийлари

Марказий Осиё интеграция жараёнларида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни тобора ортиб бормоқда ва улар бу жараёнда конструктив ҳамда изчил иштирок этмоқда. Нодавлат ташкилотлар экологик, гендер ҳамда таҳлилий соҳаларда давлатлараро ҳамкорлик алоқаларини шакллантириб, умумминтақавий масалаларни ҳал этишда давлат институтлари учун муҳим ҳамкор вазифасини бажармоқда [3].

Амалга оширилган сиёсатшунослик таҳлили фуқаролик жамиятининг минтақавий ривожланиши бўйича учта эҳтимолий сценарийни ажратиш имконини беради:

- Тармоқлараро ҳамкорлик сценарийси (прагматик): ушбу сценарийда фуқаролик жамияти институтлари ўз фаолиятини энг катта салоҳият шаклланган ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларга, хусусан экология, туризм ҳамда креатив соҳаларга қаратади. Давлат тузилмалари билан ҳамкорлик конструктив шериклик ва ўзаро ҳамжиҳатлик асосида йўлга қўйилиб, миллий тараққиёт стратегиялари доирасидаги муайян интеграцион вазифаларни самарали ҳал этишга хизмат қилади.

- Давлат ва жамоатчилик ҳамкорлигига асосланган сценарий (оптимистик): ушбу сценарийда миллий ҳукуматлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида мустаҳкам ижтимоий шериклик тизими шаклланади. “Сб” формати доирасидаги эксперт ҳамжамиятларига расмий маслаҳат мақоми берилиши давлатлараро қарорларни қабул қилишда илмий таҳлил ва эксперт хулосаларининг аҳамиятини кучайтиради.
- Халқаро ҳамкорликка асосланган сценарий (тармоқли): ушбу сценарийда БМТ, Европа Иттифоқи ва бошқа нуфузли халқаро институтлар кўмагида минтақадаги нодавлат ташкилотлар барқарор давлатлараро ҳамкорлик тармоқларини шакллантиради. Бу эса бутун минтақа миқёсида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Энг мақбул сценарийни рўёбга чиқариш учун нодавлат ташкилотларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат ижтимоий буюртмаси амалиётини давлатлараро миқёсда кенгайтириш ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг таҳлилий ва эксперт салоҳиятини изчил ривожлантириш зарур.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Юн Е. Фуқаролик жамияти: лойиҳалар ва ғояларни ҳаётга татбиқ этиш [Электрон ресурс]. Yuz.uz, 24.11.2021. Манба: <https://surl.li/orhcud> (мурожаат санаси: 22.05.2026).
2. Сыздыкова Л. Марказий Осиёнинг етакчи “ақл марказлари” экспертлари Нур-Султонда учрашди [Электрон ресурс]. Kazakhstan Pravda, 30.06.2022. Манба: <https://surl.li/wgqtad> (мурожаат санаси: 22.05.2026).
3. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати матбуот хизмати. Фуқаролик жамияти институтлари — Марказий Осиё мамлакатларининг ягона овози [Электрон ресурс]. 22.12.2021. Манба: <https://surl.li/gbikcp> (мурожаат санаси: 22.05.2026).
4. Қозоғистон Республикаси Экология ва табиий ресурслар вазирлигининг ягона экологик интернет-ресурси. Марказий Осиё [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/ryhlbe> (мурожаат санаси: 20.05.2026).
5. Марказий Осиё минтақавий экологик маркази (РЭЦЦА). РКИК БМТнинг КС-28 арафасида Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/sjnhov> (мурожаат санаси: 20.05.2026).
6. ЭКОИС ахборот портали. CAREC Today навбатдаги сони [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.lu/zjmwkq> (мурожаат санаси: 20.05.2026).
7. Марказий Осиё мамлакатлари барқарор сув-ер ресурслари бошқаруви бўйича лойиҳаларни ишга туширди [Электрон ресурс]. 02.12.2025. Манба: <https://surli.cc/xphrro> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

8. Марказий Осиё ҳаво сифати платформаси (AQSA). [Электрон ресурс]. Манба: <https://aqsaplatform.asia/?p=406> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

9. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO). Марказий Осиёда сув ва ер ресурсларини барқарор бошқариш бўйича янги ташаббуслар ишга туширилди [Электрон ресурс]. 25.11.2025. Манба: <https://surl.li/rltnsn> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

10. БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭК БМТ). Марказий Осиё мамлакатларига хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича кўмак кўрсатиш лойиҳаси [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/aovxrc> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

11. БОМКА (Марказий Осиёда чегараларни бошқаришга кўмак дастури). Тожикистон Республикасида гендер сиёсати [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/blqhrd> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

12. Avesta.tj ахборот агентлиги. Олмаотада гендер зўравонлигини баргараф этиш бўйича Марказий Осиё альянси иш бошлади [Электрон ресурс]. 29.06.2023. Манба: <https://surl.li/ddmkgq> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

13. БМТ Аёллар ташкилоти (UN Women). Тараққиёт учун бирлашув: гендер зўравонлигини баргараф этиш бўйича Марказий Осиё альянси [Электрон ресурс]. 10.07.2023. Манба: <https://surl.li/bdsrty> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

14. Asia-Plus ахборот агентлиги. Марказий Осиё аёлларга нисбатан зўравонликка қарши биргаликда курашишга келишиб олди [Электрон ресурс]. 05.07.2023. Манба: <https://surl.li/xbeqrx> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

15. “Бакинский рабочий” газетаси. Таҳлилдан амалга оширишгача [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/iiwuuy> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

16. Мақсут Нарикбаев университети (MNU), Global and Regional Governance маркази (CEGREG). [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/znryhe> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

17. Марказий Осиё Америка университети (АУЦА), Тянь-Шань таҳлилий маркази. Қирғизистон туризм соҳасида барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш (УПП) ҳамда циркуляр иқтисодиётни амалга ошириш учун қулай муҳит яратиш [Электрон ресурс]. 07.09.2022. Манба: https://www.auca.kg/ru/tspc_news/5266/ (мурожаат санаси: 20.05.2026).

18. “Бакинский рабочий” газетаси. Озарбайжон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ягона геосиёсий ўзига хослик шаклланган – Жавид Велиев [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/gpylmm> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

19. Report.az ахборот агентлиги. Бокуда “С6” бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/ltpebi> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

20. Халқаро Марказий Осиё институти (ИСА). Боку шаҳрида “С6” форматида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/uxbhthf> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

21. Туркманистон Ташқи ишлар вазирлиги. Бокуда “С6” формати мамлакатлари таҳлилий марказларининг халқаро конференцияси бўлиб ўтди [Электрон ресурс]. 20.02.2026. Манба: <https://www.mfa.gov.tm/ru/articles/1812> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

22. AarhusAshgabat.org. GSNP Бош ассамблеясининг Бокудаги яқунлари [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/ntjprva> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

23. БМТ Тараққиёт дастури (ПРООН) Қирғизистон. 2025 йил учун кичик грантлар бўйича танлов эълони [Электрон ресурс]. 14.03.2025. Манба: <https://surl.li/nlqmmv> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

24. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги. Ёшлар сиёсати [Электрон ресурс]. Манба: <https://surl.li/yknbpk> (мурожаат санаси: 20.05.2026).

25. “Новое поколение” газетаси. Фуқаролик ташаббусларини илгари суриш [Электрон ресурс]. 31.01.2025. Манба: <https://surl.li/cc/zsgzkd> (мурожаат санаси: 20.05.2026).